

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“ХОРАЗМ ҲЭТ” АЖ бош директори

С.М.Берегин

“ 12 ” “ 08 ” 2022 йил

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАБ ОЛИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИ

**Хоразм вилояти, Ҳонка туманидаги
Дўстлик маҳалласи ҳудудидаги мебель
мажмуасига электр таъминоти куриш учун
Лойиха - смета хужжатларини тайёрлаш ва
муаллифлик назорати олиб бориш хизмати**

Урганч шаҳри – 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хоразм вилояти, Ҳонка туманидаги **Дўстлик маҳалласи** худудидаги мебель мажмуасига электр таъминоти куриш учун Лойиха - смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати олиб бориш хизмати

Курилиш объектининг бошланғич қиймати ҚҚС билан бирга ҳисобланганда: **346 393 635** (уч юз қирқ олти миллион уч юз тўқсон уч минг олти юз ўттиз беш) сўм

1.1 Танлов охирги қиймати - **346 393 635** сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун давомида амалга оширилади.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. “**ХОРАЗМ ҲЭТ**” АЖ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: **Урганч шаҳар, Ҳонқа кўчаси 36/1 уй манзили**

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов “**ХОРАЗМ ҲЭТ**” АЖ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

*Танлов иштирокчисининг давлат солиқ органларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотланмаси бўлиши шарт. Мазкур маълумотноманинг ҳақиқийлиги (my.soliq.uz) сайти орқали текширилади.;

* Танлов иштирокчисининг штат бирлигида камида 4 та олий маълумотга эга бўлган, мазкур соҳада камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган лойихачи бўлиши, ундан ташқари 10 та қўшимча мазкур соҳада фаолият юритадиган ишчи ҳодимлар бўлиши лозим. Танлов иштирокчиси томонидан тақдим қилинган ишчи ҳодимларининг мазкур корхонада ҳақиқатдан ҳам ишлаётганлиги (my.mexnat.uz) сайти орқали текширилади.;

*Танлов иштирокчилари охириги 3 йилги баланс ва молиявий кўрсаткичларини тасдиқланган шаклда (pdf шаклида) тақдим қилишлари лозим. Молиявий кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги Давлат статистика органлари, ҳамда Давлат солиқ органларига тақдим қилинган ҳисоботлар билан солиштирилади.;

*Танлов иштирокчиси камида 3 йилда мобайнида лойиха-қидирув фаолитяи билан шуғилланиши, охириги 3 йилда қилган ишлари бўйича тасдиқланган шаклдаги қабул қилиш далолатномари нусхалари (pdf шаклда) ҳамда корхона штатидаги ишчиларнинг қандай ва қайси турдаги объектлари лойихалаштирганликлари тўғрисида тасдиқланган шаклдаги маълумот. (Топшириш қабул қилиш далолатномалари нусхалари билан биргаликда);

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифни электрон тарзда (etender.uzex.uz) махсус электрон савдо порталида жойлаши лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларининг ҳаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров

юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

КЕЛИШИЛДИ

Харид комиссияси раиси :




Ш.Э.Аллазаров

Харид комиссияси аъзолари :




О.И.Раджапов




С.Р.Ғайипова




Т.Ш.Матмуратов



А.Б.Каримов




М.Ш.Назаров



А.А.Каримов

Харид комиссияси котиби:



Д.Ж.Хасанов